

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЧИН�ЕВА МАРИНА ИЛЪИНИЧНА**

**ОҚСИЛ ГОМЕОСТАЗИ БОШҚАРИЛИШИДА БУЙРАКНИНГ  
ФУНЦИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ СТРУКТУР  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)**

**Чиниева Марина Ильинична**

Оқсил гомеостази бошқарилишида буйракнинг функционал тизимлари  
интеграциясининг структур механизмлари. 5

**Чиниева Марина Ильинична**

Структурные механизмы интеграции функциональных систем почки  
при белковом гомеостазе..... 23

**Chinieva Marina Ilinichna**

Structural mechanisms of integration of the functional systems of the kidneys  
in regulation of protein homeostasis.....41

**Эълон қилинган ишлар рўйхати**

Список опубликованных работ  
List of published works .....43

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ  
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03  
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ СТОМАТОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ**

**ЧИННОВА МАРИНА ИЛЬНИЧНА**

**ОҚСИЛ ГОМЕОСТАЗИ БОШҚАРИЛИШИДА БУЙРАКНИНГ  
ФУНКЦИОНАЛ ТИЗИМЛАРИ ИНТЕГРАЦИЯСИНИНГ СТРУКТУР  
МЕХАНИЗМЛАРИ**

**14.00.02 – Морфология**

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**ТОШКЕНТ – 2021**

**Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017/3/PhD/Tib330 рақами билан рўйхатга олинган.**

Диссертация Тошкент стоматология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Илмий раҳбар:**

**Юлдашев Акрам Юлдашевич**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Расмий оппонентлар:**

**Миршарапов Утқур Миршарапович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Шатманов Суйналы Токтоназарович**

тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Самарқанд Давлат Тиббиёт Институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 рақамли илмий кенгашнинг 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ соат \_\_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 1-ўқув биноси, 4-қават мажлислар зали. Тел./Факс: (+99878) 150-78-25, e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru)).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академиясининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин ( \_\_ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 100109, Тошкент ш., Фаробий кўчаси, 2-уй, Тошкент тиббиёт академиясининг 2-ўқув биноси, «Б» қанот, 1-қават, 7-хона. Тел./Факс: (+99878) 150-78-14.

Диссертация автореферати 2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ да тарқатилди.

(2021 йил «\_\_» \_\_\_\_\_ даги \_\_ рақамли реестр баённомаси).

**Г.И. Шайхова**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси,  
тиббиёт фанлари доктори, профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий  
котиби, тиббиёт фанлари доктори

**А.Б.Саидов**

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш  
қошидаги Илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари  
доктори

## **КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Дунёда буйрак патологиясининг кенг тарқалган симптомлар орасида протеинуриянинг учраш даражаси юқори ўринларни эгаллаб келмоқда. Протеинурия ўткир ва сурункали диффуз гломерулонефрит, сурункали пиелонефрит, тизимли васкулитлар ва коллагенозларда буйрак шикастланиши, ҳомиладор аёллар нефропатияси ва бошқа кенг тарқалган буйрак касалликлари билан бирга кузатилади. Муаллифларнинг келтирган маълумотларига кўра «... организмнинг оксил алмашинувида буйракларнинг нормал ва турли патологик ҳолатлардаги ролини ўрганиш...»га<sup>1</sup> катта этибор қаратилмоқда. Шу сабабли протеинурияни ташхислашда эришилган ютуқларга қарамасдан, ушбу симптомнинг ривожланиш механизмларни ўрганиш долзарб муаммолардан бирига айланиб бормоқда.

Жаҳонда буйракнинг оксил гомеостази ва оксил алмашинувини сақлаб қолишдаги фаоллигини ўрганиш бўйича қатор мақсадли илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада турли этиологик омиллар таъсирида буйракнинг бирламчи тузилиш-функционал бирликларини зарарланишига боғлиқ бўлган буйрак патологиясининг турли клиник шаклларида протеинуриянинг ривожланиш механизмларни ўрганиш бўйича илмий тадқиқотлар алоҳида аҳамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда тиббиёт соҳасини такомиллаштириш, жумладан, турли соматик касалликларни ташхислаш, даволаш ва олдини олиш сифатини оширишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мувофиқ аҳолига тиббий хизмат кўрсатиш даражасини янги босқичга кўтаришда «... беморларга тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш, аҳоли ўртасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, бирламчи тиббий ёрдам муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш билан соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш...»<sup>2</sup> бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Ушбу вазифалардан келиб чиқган ҳолда жумладан, ошқозон-ичак трактида ёғ алмашинувининг бузилиши ва уларнинг асоратларидан келиб чиқадиган касалликларнинг олдини олиш муҳим илмий-амалий аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ–3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига 2017–2021 йилларда

---

<sup>1</sup> Rabelink T.J., Giera M. New insights into-energy and protein homeostasis by the kidney/Nat.Rev.Nefrol 2019 Oct,15(10):596-598.

<sup>2</sup> Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони.

ихтисослаштирилган тиббий ёрдам кўрсатишни янада ривожлантириш чоратadbирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Ушбу тадқиқот иши Ўзбекистон Республикасининг фан ва технологиялар ривожланишининг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** Эволюцияда сифат ва сон жиҳатидан хилма-хил овқатланишнинг барча даражада ташкил қилинган тизимлари генетик аниқланган мослашиш механизмларини ва гомеостазни яратган (Defronzo R.A., Davidson J.A., S Del Prato, 2012; Rabelink T.J., Martin Giera, 2019). Бироқ, беқарор овқатланишда, организмнинг турли вазифаларни бажарадиган тизимларида метаболик ва бошқа зарарланишлар келиб чиқади ва улар кўпинча буйраклар касалликларига сабаб бўлади (Inagy R., Ishimoto Y., Nangaku M., 2014). Сўнгги пайтларда буйракларнинг энг кўп ўрганилаётган вазифаси унинг доимий оксил гомеостазининг сақлашдаги иштироки асосланган (Dismeyer N., Coux O., Rodrigulz MS., Barrio R., 2019; Hoening MP., Zeidel ML., 2014). Буйрак дисфункцияси ва оксил қабул қилиш билан боғлиқ ҳар қандай тадқиқотда, нефропатия, гломерулар зарарланишлар ва ҳоказолар, буйрак касалликлари тури ўртасида боғлиқлик кўрсатиб ўтилган, ҳатто буйраги касал беморлар учун оксилни чеклаш тадқиқотлари мунозарали бўлиши мумкин (Shils, Modern Nutrition in Health & Disease). Ушбу соҳадаги тадқиқотлар ҳорижлик олимлар Клод Бернар, Берталанфи, И.П. Павлов, Н.Н. Ухтомский, П.К. Анохин, К.В. Судаков, В.В. Серов, И.В. Давыдовский, А.М. Уголев, П.К. Климов, Д.С. Саркисов ва бошқалар томонидан гомеостазни мослаштириш ва тартибга солишга бағишланган тадқиқотлар олиб борилган.

Ўзбекистонда А.Ю.Юлдашев ва бошқа олимлар томонидан оксилни аминокислоталарга ажралишини аниқлаш ва ташиш бўйича тадқиқотлар олиб борилган. Замонавий тадқиқотларда, айниқса, ҳайвонот маҳсулотларида мавжуд бўлган оксилнинг ортикча миқдори организмга тузатиб бўлмайдиган зарар етказиши ва бутунлай соғлом одам организмга шикаст етказиши мумкинлиги кўрсатилган. Сўнгги пайтларда адабиётларда аминокислоталар алмашинуви масалаларига оид кўплаб илмий ишлар пайдо бўлганига қарамай (А.Ю.Юнусов, К.А.Зуфаров ва бошқалар), аминокислоталарнинг овқатланишдаги ўрни ва аҳамияти ҳали етарли даражада ёритилмаган. Бу соҳада катта ҳажмдаги тадқиқотлар олиб борилаётганига қарамай, кўплаб масалалар мунозарали ёки ечимсиз бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда сифатли ва миқдорий жиҳатдан хилма-хил диетага эга бўлган касалларда сийдик тизими аъзоларининг катта физиологик тадқиқотлари билан бирга, буйракнинг тузилиши ва функцияси динамикасини ўрганиш бўйича кам сонли тадқиқотлар амалга оширилган. Шу сабабдан ушбу илмий тадқиқотларни амалга ошириш зарурлигини тақозо этади.

**Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат стоматология институтининг ишлари режасига мувофиқ №ФЗ-2016-0915145147 «Исследование аутокринных факторов роста в патогенезе узловых образований щитовидной железы (экспериментально-клиническое исследование)» мавзусидаги давлат илмий-амалий дастури (2017-2019 йй.) доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** оқсилли гомеостазда буйраклар функционал тизимлари интеграциясининг тузилиши механизмларини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг вазифалари:**

буйрак тузилишининг ҳолатини динамикада (қорин бўшлиғига 20% альбумин юборгандан сўнг 1, 3, 7, 15, 30 кундан кейин) ўрганиш;

буйракнинг томир гломеруласини кўп мартали оқсилли юкламада қайта тузилиш динамикасини ўрганиш;

буйракнинг проксимал қисмини кўп мартали оқсилли юкламада структуравий ва функционал қайта тузилиш динамикасини ўрганиш;

буйракнинг дистал қисмини кўп мартали оқсилли юкламада структуравий ва функционал қайта тузилиш динамикасини ўрганиш;

буйракнинг юктагломеруляр аппаратини кўп мартали оқсилли юкламада қайта тузилиш динамикасини ўрганиш;

буйракнинг йиғувчи найларини кўп мартали оқсилли юкламада структуравий қайта қурилишини ўрганиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида виварий шароитида стандарт ёруғлик режимда яшаган, вазни 120-140 граммли бўлган, 2та гуруҳ зотсиз оқ эркак каламушлар (n=87) олинган.

**Тадқиқотнинг предмети**ни буйракнинг тузилиш-функционал бирлиги – нефрон ташкил этган.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Тадқиқотда ёруғлик ва электрон микроскопия, морфометрия, ва статистик таҳлил усулларидан фойдаланилган.

**Тадқиқотнинг илмий янгилиги** қуйдагилардан иборат:

буйракнинг қисқа муддатли таъсирга мослашуви унинг тузилиш-функционал бирликларнинг функционал фаолиятини синхронлаштиришга олиб келиши аниқланган;

илк бор буйрак фаолиятининг оқсилли озиқланиш динамикасидаги тизимли эквивалентлари ҳамда улар ўртасидаги ўзаро боғлиқлиги аниқланган;

илк бор қисқа ва узоқ муддатли таъсирларга буйракнинг компенсатор ва мослашувчи реакцияларининг қиёсий таҳлили асосланган;

илк бор буйракнинг қисқа ва узоқ муддатли оқсилли озиқланишига тизимли мослашиш механизмларининг морфологик асослари аниқланган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйдагилардан иборат:

рационал овқатланиш, буйрак фаолиятини оптимал тартибга солиш бўйича илмий асосланган ёндашувлар ишлаб чиқилган;

турли овқатланиш шароитларида буйрак функционал тизимларининг ўзаро боғлиқ фаолиятининг илмий асослари ишлаб чиқилган;

норационал овқатланиш натижасида буйракнинг тизимли ва функционал зарарланишини олдини олиш усуллари назарий жиҳатдан асосланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончилиги.** Тадқиқотда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган текширувларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, текширилган тажриба ҳайвонлари ва тажриба материаллари сонининг етарлилиги, тадқиқотда қўлланилган замонавий ўзаро бир-бирини тўлдирувчи морфологик, морфометрик, электрон микроскопик ва статистик тадқиқот усулларида буйраклар функционал тизимлари интеграциясининг тузилиши механизмлари халқаро ҳамда маҳаллий тажрибалар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан асосланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.**

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти буйракнинг қисқа ва узоқ муддатли оқсилли озикланишга тизимли мослашиш механизмларининг морфологик асослари очиб берилганлиги, оқсилли озикланиш динамикасида буйрак фаолиятининг структуравий эквивалентлари асосланганлиги, функционал заҳирани ошириш, гомеостазни сақлаб қолишга қаратилган морфологик ўзгаришлар мувозанатсиз оқсил диетасининг давомийлиги билан боғлиқлиги кўрсатилганлиги, нотўғри оқсилли овқатланиш ассимиляция тизимлари функциясининг таркибий ўзгаришларига ва патологик жараёнларнинг ривожланишига олиб келадиган оғир қайтариб бўлмайдиган ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкинлигини очиб берилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти буйрак етишмовчилиги ривожланаётганда нафақат экзоген, балки эндоген оқсилларни ўз ичига олган оқсил буйрак метаболизмини каналли сўрилишида буйракларнинг ўрнини ўрганишга янги истиқболларни очиб берилганлиги, буйрак ва сийдик йўлларидаги муаммолар ҳақидаги билимлар тизимини чуқурлаштириш ва аҳолининг турли қатламларида овқатланишни ташкил этишда аниқ чоратадбирларни ташкиллаштириш учун фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Буйракнинг функционал тизимлари интеграциясининг тузилиши механизмларини ўрганиш бўйича олинган илимий натижалар асосида:

буйракнинг оқсил билан озикланишда структурали-функционал тизимини таҳлили бўйича олинган илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Оқсил гомеостази регуляциясида буйракнинг функционал тизимлари интеграциясининг тажрибавий услуби» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилнинг 8 октябрдаги 8н-р/347-сон маълумотномаси). Натижада норационал овқатланиш натижасида буйракнинг тизимли ва функционал зарарланишини олдини олиш имконини берган;



Буйрак фаолиятини оптимал тартибга солиш бўйича илмий асосланган ёндашувлар асосида олинган тадқиқот натижалари соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд тиббиёт институти, Тошкент педиатрия тиббиёт институти Марказий илмий-текшириш лабораторияларнинг фундаметал тадқиқотларни амалга ошириш амалиётига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилнинг 8 октябрдаги 8н-р/347-сон маълумотномаси). Натижада, ажралиб чиқиш тизимининг касалликларини мувозанатланган нутриентли терапиясини ва профилактикасини ишлаб чиқиш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Мазкур тадқиқот натижалари 6 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 3 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 14 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 3 таси республика ва 5 таси хорижий журналларда нашр этилган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация таркиби кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 108 бетни ташкил этган.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш** қисмида мавзунинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асослаб берилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши очиқ берилган, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Гомеостазни функционал тизимлари ва бошқарилиш назарияси**» деб номланган биринчи боби иккита кичик боблардан иборат. «**Буйракнинг функционал морфологияси ва интеграцияланган тизимли ёндашув**» деб номланган биринчи кичик боби олимларнинг илмий ғоялари таҳлили асосида ва «функционал тизимлар» (ФТ) тушунчасига бағишланган адабиёт маълумотларини кўриб чиқиш асосида тузилиш ва функциянинг диалектик бирлиги мавжудлигига, мослашиш динамикасининг генетик аниқланганлигига, гомеостазни бошқаришга, ўрганишда табиати ва даражаси турлича бўлган функционал тизимларнинг универсаллиги ва ўзига хос эканлигига эътибор қаратилган. Анъанавий тушунчада тизимли ёндашув ҳамма жойда, бир турда ёки ўзига хос кечувчи, организм ички муҳитининг ҳаёт учун муҳим бўлган параметрларига (қон, лимфа, интерстициал ва церебротриал суюқлик) тегишли бошқарувчи тизимларининг (эндокрин, нерв (асаб), иммун

тизимлари) интегралланган фаолияти томонидан бошқарилувчи у ёки бу ходисани кўриб чиқишни билдиради. Бугунги кунда назарий ва амалий тадқиқотларда микродорий кибернетик тизимли ёндашув аниқ устун бўлмоқда. Ҳар иккала ҳолатда ҳам энг муҳим ўзгарувчан биологик жараёнлар, уларнинг бошқарилиши ва тартибга келтирилиши кўриб чиқилади. Организмнинг алоҳида тузилмаларининг ўзаро таъсири соддадан мураккабга, молекулалардан субҳужайравий ва ҳужайравий ҳосилаларга, таркибий-функционал бирликлардан тўқима ва аъзоларга, аъзолардан тизимларга ва бутун бир организмга ўзгариши кўринишида очиб берилади. Буларнинг барчаси организм ҳаёт фаолиятини тшуннишга бўлган тизимли-тузилмавий, функционал ёндашувларни ташкил этади.

Шу билан бирга функционал тизим тшунчасининг уларни шакллантиришнинг барча даражаларида муаллифлик таърифи шакллантирилган, ўз ўринда бу экзо- ва эндоген фактлар таъсири ҳолатида динамик адаптив тузилмаси ва вазифаларини акс эттиради.

**«Функционал тизимда гомеостаз ва адаптация (мослашиш) механизмлари»** деб номланган иккинчи кичик бобда мослашиш ва гомеостаз турли механизмларининг таҳлили ўтказилган. Кўрилаётган муаммонинг асосий ғояси тизимни шакллантирувчи омил - фойдали натижа ҳисобланади.

Шу билан бирга, эволюцион, генетик жиҳатдан аниқланган бирлик сифатида мослашиш ва гомеостаз механизмлари таҳлилини ўтказиш асосида, оптимал (мувофиқ) равишда ўз даражасида зарур бўлган мувофиқ ҳолдаги физик-кимёвий, тузилмалашган метаболик ёки морфологик ифодага эга. Ҳаммабоп замонавий воситалар ва объектив морфологик усуллар ёрдамида гомеостазнинг мослашиш ва бошқариш механизмларини аниқлаш замонавий клиник ва назарий тиббиётда, нанопрепаратларни ишлаб чиқариш ва қатор касалликларни патогенетик асосланган самарали даволашда энг истиқболли йўналиш ҳисобланади. Агар соғлом организм гомеостаз ва мослашишнинг уйғунлиги деб тавсифланса, индивидуал ривожланиш суръатида экзоген ва эндоген «кўзғатувчи» омиллар уларнинг амалга ошиш механизмларини «бузилишига» олиб келиши мумкин. Натижада замонавий усуллар ёрдамида келтирилган уйғунликни шикастловчи омил ва шикастлашнинг аниқ механизми ўртасидаги ўзаро боғлиқлик ФТ физика-кимёвий молекуляр тузулишидан бошлаб аниқланган. Шу асосда организм ФТ унинг шаклланишининг турли даражасида мослашиш ва гомеостази универсал ва ўзига хос механизмларини ўрганиш зарурлиги аниқ бўлмоқда. Бу ўткир ва сурункали касалликлар этиопатогенезини аниқлаш, касаллик олдини олиш ва радикал (кескин) даволаш, реабилитация қилишнинг (қайт тиклаш) ҳақиқий асоси бўлиб хизмат қилиши мумкин.


Илмий ишда функционал тизим мослашиши ва гомеостаз соҳасида назарий ва амалий тадқиқотлар ривожланишининг ўзига хос хусусиятларини ажратилган, улар назарий ва клиник тиббиёт ривожланишини такомиллаштириш ва самарадорлигини оширишнинг улкан захираси тақдим этилган.

Диссертациянинг «Тадқиқотнинг материаллари ва усуллари» деб номланган иккинчи бобида тажриба тавсифининг таърифи, тадқиқотнинг усуллари (ёруғлик ва электрон микроскопия, морфометрия) баён этилган. Тадқиқот ТДСИ Гистология ва тиббий биология кафедрасида ва ТошДПТИ Марказий илмий-тадқиқот лабораториясида бажарилган.


Изланишлар оқ, зотсиз, 120-140 гр. вазнли эркак каламушларда (n=87) ўтказилди, улар икки гуруҳга бўлинди: 1-гуруҳ (назорат) – рационал лаборатор озиқлантирилган; 2-гуруҳ (тажриба) – одатий озиқлантириш ва 20% альбумин қорин ичи юкламаси берилган (20 г тухум оқи 80 гр қайнатилган сув билан аралаштирилган); тадқиқот муддатлари тажриба бошланганидан кейин 1, 3, 7, 15 ва 30 кун. Тадқиқотни ҳар белгиланган муддатида тажриба гуруҳидан 6-12 та каламуш сўйилган. Қорин олд девори кесилиб очилгач эҳтиёткорлик билан ўнг тараф буйраги олинган. Гистологик усули билан буйракнинг пўстлоқ қисми ўрганилди. Морфометрик текширишлар белгиланган кесикларда ўтказилди, мумланган (парафинланган) – гематоксилин ва эозин билан бўялган, ультраюпқа – метилен-кўк билан «Интеграл – 2М» ярим автоматлашган тасвирларни таҳлил қилувчи мослама ёрдамида аниқланган.

Морфометрик ўлчамларнинг олинган натижалари математик-статистик қайта ишланиши Петерс усули бўйича ўрта арифметик хатоларни аниқлаш ва Малденгауэр омили маълумотларининг ишончлилиги билан бажарилди.


Диссертациянинг «**Шахсий изланишларнинг натижалари**» деб номланган учинчи боби бешта кичик боблардан иборат. Уларда нефронларнинг динамикадаги тузилиш-функционал қайта шаклланишлари акс эттирилган. Тажрибаларни кўрсатишича ҳайвонларни оқсил билан юкланиши ўтказилгандан кейин 1 сутка ўтгач буйрак коптокчаларида минимал ўзгаришлар содир бўлган. Буйрак коптокчалари ҳажмида бироз катталашган, хужайравий пролиферация (тарқалиш) ва мезангиал матрикснинг катталашгани кузатилмаган. Оқсилни қорин бўшлиғига юборгандан кейин 1 сутка ўтгач юза оралик нефронларнинг афферент артериолалари катта қисми кенгайган, эндотелийси ясси, эфферент артериолалар торайган, эндотелийси кубсимон шаклда, томирнинг деярли бутун тешигини эгаллаган. Юкстагломеруляр аппарат (ЮГА) хужайралари фаоллигининг ошганлиги кузатилган. Афферент артериолаларни юкстагломеруляр хужайралари (ЮГА) секретор гранулаларга ва цитоплазматик органеллаларнинг кичик ҳажмига эга. Эфферент артериолаларнинг юкстагломеруляр хужайралари секретор гранулаларга эга эмас, цитоплазмаси аниқ, органеллалар миқдори кам, эркин рибосома ва полисомалар сони кўп. Электромикроскопик мезангиал хужайраларда бир қанча овал шаклдаги митохондриялар учрайди. Митохондрияда кўп сонли кристаллар мавжуд бўлиб, улар орасидаги бўшлиқ майда донадор матрикс билан тўлдирилган (1-расмга қаранг).




а



б



в




г

**1-расм. Буйракни 1-суткада ёруғлик-оптик воситаси. а) Меъёр. б) Гемотоксилин-эозин билан бўялган. в) Асосий фуксин ва метилен кўк билан бўялган. Катталаштирилган. 40×10 г) Электрон микроскопия. 10000 марта катталаштирилган**

Уч суткадан кейин юкстагломеруляр аппарат (ЮГА) хужайраларининг фаоллашиши кузатилди. Морфологик белги сифатида эндотелий патологияси сабабли юзага келган буйрак коптокчаларининг ўзгариши қайд этилди. Эндотелий хужайралари шишганлиги сабабли буйрак коптокчаларининг ҳажми катталашган, капилляр ҳалқаларининг тешиклари кескин торайган. Ёруғлик микроскопияда ЮГА тузулишининг меъёрлашувида афферент артериолаларни кенгайиши ва эфферент артериолалар торайиши, қон капиллярларининг юқори даражада очилиши билан коптокчалар сонининг кўпайиши кузатилди (СОКК). Мезангиал хужайраларининг ўчоқли (коптокчаларнинг бир қисми) ёки сегментар (коптокча ҳалқаларининг бир қисми) пролиферацияси ва мезангиал матриксни катталашини аниқланди. Электрон микроскопия ўтказилганида мезангиал хужайралар сонининг ўртача намоён бўлган кўпайиши кузатилди, бу эса мезангиал матрикс ҳажмининг катталашини олиб келади. Коптокча капиллярларининг базал мембраналари гематоксилин-эозин билан бўялганида эҳтимол эндотелий хужайралари цитоплазмасининг шишши ҳисобига капилляр девор қалиндек кўринадди. Электрономикроскопик тарзда мезангиал хужайралар қон капиллярларининг аксиал қисмларида жойлашиб, базал мембрана билан узок

вақт давомида ўзаро боғланиб боради. Мезангиал хужайларда енгил шишган митохондрия, липид гранулалари ва цитоплазматик жисмлар аниқланади.

Уч сутка ўтгач юктагломеруляр хужайраларнинг нафақат синтетик фаолияти, балки маҳаллий ва тизимли гомеостатик реакциялари оптималлаши учун зарур бўлган ренин ажралиб чиқиши ҳам кучсизланади. Гиперфилтрацияга сабаб ренин-ангиотензин тизимининг фаоллашишидан ташқари, NO синтезининг кучайиши, гомеостаз ва (ёки) буйрак калцийси кўчиб ўтишининг ўзгариши сабаб бўлади. Коптокчалар капиллярлари, ЮГА тузилмавий-функционал қайта қурилиши оқсилларнинг эндоген пулининг қайта тақсимланиши, айланувчи қон таркибида уларнинг, аминокислоталар, мочевино концентрациясининг ўзгариши туфайли кузатилади (2-расмга қаранг).




**2-расм. 3-суткага келиб буйрак ёруғлик оптик моддалари. а) меъёр. б) Гемотоксиллин-эозин билан бўялган в) Асосий фуксин ва метилен-кўк билан бўялган. 40×10 марта каттал. г) электрон микроскопияси. 30000 марта катталаштириган**

Оқсил билан озиклантириш давом эттирилса тажрибанинг 7 суткаси ўтгач барча кўрсаткичларнинг дастлабки кўрсаткичларга нисбатан улкан кўпайиши кузатилади. Ёруғлик-оптик усулда томир деворининг эксцентрик шикастланиши аниқланди. Мезангиал матрикснинг катталаниши, базал мембрана билан эндотелий орасида мезангиоцитар ўсимталарнинг ўзаро жойлашиши кузатилади ва бу соҳада матрикс йиғилиши қайд этилади, бу эса базал мембрананинг шиши деб ҳисобланиши мумкин. Еттинчи кунда морфологик ўзгаришлар намоён бўлишининг кучайганлиги қайд этилади. Фақатгина электрон микроскопда эпителий хужайралар (подоцитлар)нинг ўсимталари оёқчаларининг кўшилиб кетиши аниқланади, ҳамда буни протеинуриянинг асосий сабаби деб ҳисоблайдилар. Подоцитлар яссиланади, оёқчали ўсимталарини «йўқотади», коптокчалар капиллярларининг БМ зич бўлиб тақалади, бу эса уларнинг ўртасидаги филтрлаш бўшлиқларининг


(тешиқлар) йўқолишига олиб келади. Шу билан бирга базал мембрана қалинлашиши ва эндотелийнинг юқори пролиферацияси кузатилади. Коптокчаларда филтрациянинг сусайиши уларнинг атрофияси, коллабирланиш, некроз ёки гиалиноз ва фиброзга алмашинувчи каналчалар атрофияси билан кечади. Буйракларнинг интерстициясининг склерозланиши ҳам кузатилади. Бу муддатда юкстагломеруляр аппарат фаоллашиши хос бўлиб, унинг гиперплазиясида морфологик акс этади.

Тажрибанинг 7-куни томир коптокчалари, проксимал ва дистал каналчаларнинг шикастланиши билан ифодаланади. Буйрак коптокчалари кўпроқ жароҳатланганда филтрация жараёни бузилади, полианион қатлам зарядини (1) ўзгариши сабабли гломеруляр протеинурия ёки базал мембрана яхлитлигининг бузилиши (2) кузатилади. 1-ҳолатда пастмолекуляр оксиллар (альбумин, трансферрин) филтрланади. 2-ҳолатда сийдик таркибига йирик молекуляр оксиллар тушади. 1-ҳолатда оксил молекулаларнинг ҳажми жароҳатнинг даражаси ва тавсифидан келиб чиқиб ўзгаради. Буни буйракнинг табиий тузилмавий-функционал мослашиш реакцияси деб баҳолаш лозим, бу гомеостаз асосий ўлчамларини (осмотик босим, ионларни концентрацияси, қоннинг рН даражаси ва ҳ.к.) нивелирлашига йўналтирилган. Турли ҳилдаги нефронлар коптокчаларининг гистофизиологик хусусиятлари, ҳамда нефронлар ва йиғувчи найчаларнинг (ренин-ангиотензин-альдостерон, вазопрессин, простогландин тизимлари) мураккаб нейрогуморал тузилиши ва функцияси сабабли буйракда қон айланиши, коптокчалар филтрацияси тезлашади. Тадқиқотларга мувофиқ қайд этилган реакциялар қўшимча осмотик жиҳатдан фаол моддаларнинг (мочевина, протеинлар) экскрецияси, зич доғ соҳасига оқиб келадиган каналчаларнинг суюқлиги таркибининг ўзгариши сабабли юзага келиши мумкин (3-расмга қаранг).




**3-расм. 7-суткага келиб буйракнинг ёруғли оптик моддаси. а) меъёр. б) Гемотоксиллин-эозин билан бўялган. в) Асосий фуксин ва метилен кўк билан бўялган. 40×10 марта катталаштирилган. г) Электрон микроскопия. 30000 марта катталаштирилган**

Ёруғлик микроскопия ўтказилганидан 15 суткадан кейин коптокчалар оддий ўлчамда, капиллярлари ингичка халқали, тешиклари бўш ва кенг. Аксарият коптокчаларнинг барча бўлакчаларида мезангиал хужайраларнинг диффуз пролиферацияси кузатилади. Мезангиал матрикс кенгайган. Электрон микроскопияда коптокчалар базал мембранасининг қалинлашгани ва бурушганлиги кўринади. Капиллярлар базал мембранасининг қалинлашганлиги, подоцитлар оёқчали ўсимталарининг қисман қўшилиб кетиши қайд этилди. 15 кунга келиб ҳамма ўлчамлар гетерофункционал ҳолатда бўладилар, яъни фаол, нисбатан камроқ фаол қисмлар, ўзгарган ва ўзгармаган қисмлар мавжуд. Нафақат буйракда, балки ҳамма аъзоларда ҳам кузатилувчи - ушбу гетерофаз ҳолат мослашишнинг белгисини англатади (4-расмга қаранг).




**4-расм. 15-суткага келиб буйракнинг ёруғлик-оптик препаратлари. а) меъёр б) Гемотоксилин-эозин билан бўялган в) Асосий фуксин ва метилен-кўк билан бўялган. 40×10 марта катталаштирилган г) Электрон микроскопия. 30000 марта катталаштирилган.**

Тадқиқот бошланганидан кейин узоқ вақт ўтгач (30 кун) патологик жараён камайди. 30-суткага келиб нисбатан кучлироқ намоён бўлган гетерофаз ҳолати кузатилади. Гетерофаз ҳолати қанчалик кучли бўлса, мослашиш имкони шунчалик юқори бўлади, сабаби носинхронланиш кучланишга олиб келади. Уларнинг фаолиятининг юқори даражадаги ишончлилиги ва самарадорлиги ўз-ўзини бошқариш ва интеграциялашнинг кўп даражали қонун-қоидалари, ҳамда аъзо тузилиши ва вазифаларини мураккаблаштиришнинг тизимли қоидалари билан мустаҳкамланади. Оқсилдан иборат юкламада буйрак юза нефронларининг динамикада вақт-вақти билан такрорланиб турувчи фаолияти буйракнинг филтрловчи тўсиқ, ҳамда гомеостазни сақлаб туришга жавобгар бўлган унинг бошқа тузилмаларини сарф қилиш ва уларни қайта тиклашнинг оптимал тартибини сақлаб туриш имконини беради (5-расмга қаранг).



**5-расм. 30-суткага келиб буйрак ёруғлик-оптик препарати а) меъёр. б) Гемотоксилин-эозин билан бўялган в) Асосий фуксин ва метилен-кўк билан бўялган. 40×10 марта катталаштирилган г) Электрон микроскопия. 30000 марта катталаштирилган.**

Буйрак таначаси майдонини морфометрик ўлчовлар гистограммасидан кўришиб турибдики, ўзгаришларнинг намоён бўлиш даражаси 7-суткага тўғри келади. Ушбу ўзгаришлар, биринчи навбатда, коптокчанинг асосий филтровчи мембранасига тааллуқли бўлиб, улар эндотелийдан, қон капиллярлари базал мембранасидан ва Шумлянский-Боумен капсуласи висцерал қатлам хужайраларидан /подоцитлар/ ташкил топган (6-расмга қаранг).



**6-расм. Буйрак таначаси майдонини морфометрик ўлчовлари гистограммаси**




*Проксимал ва дистал бўлимларни оқсил билан каррали юклашдан кейинги тузилмавий-функционал қайта қурилиши динамикаси (ўзгариш суръати).*

Препаратларда (дори воситаларида) нефроннинг проксимал ва дистал бўлимлари кўринмоқда, улар бугунги кун назариясига кўра ягона функционал тизимни ифодалайдилар. У ион гомеостаз, кислота-асос мувозанатини бошқарилишида, сийдик концентрациясида ва бошқаларда иштирок этади. Морфофункционал изланишлар ва КАҲ силжишлари ионли мувозанат бузилишини турли бирикмаларини моделирлаш буйрак сегменти тузилишларининг ўзаро таъсири ва интеграцияси хусусиятларини очиб бериш, мослашиш гомеостатик жараёнларда уларнинг ролини ва аҳамиятини аниқлаш имконини беради.

Морфологик ва морфометрик тадқиқотлар альбумин киритилгач 1, 3, 7, 15 ва 30 кундан кейин ўтказилди. Проксимал-дистал йуналишлардаги интерстициал хужайраларнинг топографияси ва тақсимланиши, хужайралар аро тўқима билан ўзаро нисбати ярим юпқа кесикларда амалга оширилди, бунда буйрак каналчалари узунасига ва кўндаланг жойлашган.

Нефроннинг проксимал ва дистал бўлими майдонларининг ўзаро нисбати 7-суткага келиб меъёрдан жуда катта даражада силжиган (7-расмга қarang).




**7-расм. Буйрак препарати. а) Меъёр б) Гемотоксилин-эозин билан бўялган в) Асосий фуксин ва метилен-кўк билан бўялган. 40×10 марта катталаштирилган. г) Электрон микроскопия. 30000 марта катталаштирилган.**

Дастлабки даврда нефрон проксимал бўлимининг ультра тузилиши четкали қирраси асосида пиноцитоз инвагинация ва пуфакчаларнинг бир оз катталашиши билан тавсифланди, лекин 7-суткага келиб хужайларининг юқори учдан бир қисмини тўлдирувчи кўплаб апикал оч тусдаги вакуолалар пайдо бўлди.


Проксимал каналчалар ҳужайраларининг митохондриялари базал-апикал йўналишини йўқотади. Митохондрия матрикси майда гранулали ва кўп сонли митохондриал кристаллар зич жойлашган. Проксимал каналчанинг базал мембранаси бир текис бўлмаган қалинликда ва бўшашган.

Гистограммада тажрибанинг 7-суткасига келиб проксиал каналчаларнинг ультраструктураси ўзининг максимал ривожланиш даражасига етади. Бунда, проксимал каналчалар ҳужайларида жуда кўп миқдордаги пиноцитоз инвагинациялар ва пуфакчалар аниқланади (8-расмга қаранг).



8-расм. Нефрон проксимал бўлимининг гистограммаси

Нефрон дистал бўлими майдонининг гистограммасида тажрибавий протеинурия ҳолатида ультраструктурадаги ўзгаришлар ҳам кузатилади ва тажрибанинг 7-суткасига келиб улар ўзининг максимал ривожланишга етади (9-расмга қаранг).




9-расм. Нефрон дистал бўлими майдонининг гистограммаси

Оқсил билан озиклантиришнинг турли босқичларида каламуш буйраги морфометрияси маълумотларининг математик-статистик қайта ишланишининг якуний жадвалидан (1-жадвалга қаранг) диаграмма тузилди, унда тажрибанинг 7-суткасига келиб нефроннинг барча қисмлари гипертрофия ҳолатида эканлигини кўриш мумкин (10-расмга қаранг). Биз қўлга киритган тажрибавий протеинуриянинг 7-суткасига келиб коптокчалар, проксимал ва дистал каналчалар гипертрофияси ўзининг максимал кўрсаткичига етади, бу эса ўз навбатида компенсатори гломерулалар, проксимал ва дистал тубулаларнинг гипертрофияси максимал қийматга етишини кўрсатмоқда, бу эса компенсаторлик (тиклашниш)-гипертрофирланган жараён тугаганлигидан далолат беради. Ушбу ҳолат мослашув кўрсаткичи ҳисобланади.

### 1-жадвал

**Оқсил билан озиклантиришнинг турли босқичида каламушлар буйрақларининг морфометрия маълумотларини математик-статистик қайта ишлашнинг қайта ишлаш морфометрия Кўрсаткичлар якуний жадвали**

Ўрта арифметик ўлчовининг сонли моҳияти, ўрта арифметикнинг хатоси ( $M \pm m$ )	ва ишонч	илик омили ( $P\%$ )					
Микрофотометрик тадқиқотни вақтга боғлиқ босқичлари	1 - сутка	3 - сутка	7 - сутка	15 - сутка	30 - сутка	Контроль	P%
S1- буйрак танача майдони ( $\mu^2$ )	6155 $\pm$ 16	6613 $\pm$ 11	9251 $\pm$ 10	6335 $\pm$ 23	5977 $\pm$ 123	5738 $\pm$ 15	0,1
S2- томирли коптокча майдони ( $\mu^2$ )	3685 $\pm$ 10	4205 $\pm$ 75	7434 $\pm$ 14	3997 $\pm$ 16	3755 $\pm$ 119	3432 $\pm$ 15	0,1
S- коптокча капсуласи бўшлиғи майдони ( $\mu^2$ )	2455 $\pm$ 11	2576 $\pm$ 20	1867 $\pm$ 70	2330 $\pm$ 15	2228 $\pm$ 66	2282 $\pm$ 86	0,1
S3- томирли коптокчани очик капиллярлар майдони ( $\mu^2$ )	1571 $\pm$ 40	2178 $\pm$ 24	5094 $\pm$ 89	2111 $\pm$ 27	1718 $\pm$ 87	1751 $\pm$ 62	0,1
S3/S2- коптокча-капсула муносабати (%)	42 $\pm$ 0,46	50 $\pm$ 1,9	50 $\pm$ 1,9	51 $\pm$ 4,4	45 $\pm$ 1,1	39 $\pm$ 0,37	0,1
S4- нефроннинг проксимал бўлими майдони ( $\mu^2$ )	2978 $\pm$ 68	3496 $\pm$ 97	6861 $\pm$ 30	3583 $\pm$ 35	2878 $\pm$ 129	2892 $\pm$ 70	0,1
S5- нефроннинг проксимал бўлими тирқиши майдони ( $\mu^2$ )	1331 $\pm$ 56	1899 $\pm$ 57	4502 $\pm$ 25	1981 $\pm$ 28	1401 $\pm$ 57	1231 $\pm$ 69	0,1
S5/S4- майдонлар муносабати (%)	44 $\pm$ 1,4	53 $\pm$ 0,3	65 $\pm$ 0,9	54 $\pm$ 2,8	49 $\pm$ 1,7	42 $\pm$ 1,6	0,1
S6- нефроннинг дистал бўлими майдони ( $\mu^2$ )	2084 $\pm$ 10	3098 $\pm$ 56	5858 $\pm$ 85	2912 $\pm$ 78	2844 $\pm$ 102	1959 $\pm$ 13	0,1
S7-нефроннинг дистал бўлими тирқиши майдони ( $\mu^2$ )	1044 $\pm$ 61	1923 $\pm$ 45	3830 $\pm$ 42	1705 $\pm$ 59	1443 $\pm$ 77	954 $\pm$ 55	0,1
S7/S6- майдонлар муносабати (%)	49 $\pm$ 1	60 $\pm$ 0,6	65 $\pm$ 0,9	59 $\pm$ 0,9	50 $\pm$ 1,1	49 $\pm$ 1,1	0,1



**10-расм. Буйрак нефрон майдонларининг якуний гистограммаси**

## ХУЛОСАЛАР

«Оқсил гомеостази бошқарилишида буйракнинг функционал тизимлари интеграциясининг структур механизмлари» мавзусидаги фалсафа доктори (PhD) диссертацияси бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижасида куйидаги хулосалар тақдим этилди:

1. Номунатосиб оқсилли озиклантириш буйракда деструктив гистологик ўзгаришларни, ЮГА хужайраларида ва коптокчалар капиллярларида структуравий-функционал қайта шаклланишни келтириб чиқаради.

2. Гистологик ва гистокимёвий ўзгаришларнинг даражаси ва тавсифи функционал захирани кўпайтиришга, гомеостазни сақлаб туришга йўналтирилган, буйракнинг тузилишлари ва функцияларини (фаолиятларини) кўп босқичли принципларини ўзида акс этади, номунатосиб оқсил билан озиклантиришнинг давомийлиги билан корреляцияга киришади.

3. Озиклантиришнинг бир варианты сифатида альбумин эритмасини қорин ичига юборилиши унинг миқдорий ва сифат жиҳатидан силжишларига ўта юқори даражада таъсирчанликни келтириб чиқаради.

4. Гломеруляр филтърнинг Моҳияти базал мембрананинг гломеруляр капиллярларини қалинлаштиришдан иборат бўлган оқсилни ўтказувчанлигини ошириш, педикуллар то улар бутунлай йўқ бўлгунларича қисқартириш ва куюклаштириш, элетронли-зич протеолитик лизосомалар подоцитлари цитоплазмасида тўпланишдан иборат бўлган реакцияси филтър

алоҳидаланишини камайтириш ва оқсилни йўқотишни олдини олишга йўналтирилган химоя реакцияси сифатида кўрилиши мумкин.

5. Ирационал озиклантиришнинг бузилиши сўриш тизимлари функциясининг структуравий ўзгаришларига олиб келади ва патологик жараёнларнинг ривожланишига олиб келувчи оғир олдини олиш имкони йўқ бўлган ўзгаришларга сабаб бўлиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ  
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОЙ  
МЕДИЦИНСКОЙ АКАДЕМИИ**  

---

**ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ СТОМАТОЛОГИЧЕСКИЙ  
ИНСТИТУТ**

**ЧИНIEВА МАРИНА ИЛЬНИЧНА**

**СТРУКТУРНЫЕ МЕХАНИЗМЫ ИНТЕГРАЦИИ  
ФУНКЦИОНАЛЬНЫХ СИСТЕМ ПОЧЕК ПРИ РЕГУЛЯЦИИ  
БЕЛКОВОГО ГОМЕОСТАЗА**

**14.00.02 – Морфология**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)  
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

**ТАШКЕНТ – 2021**

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2017/3/PhD/Tib330.

Диссертация выполнена в Ташкентском Государственном стоматологическом институте. Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Ташкентской медицинской академии ([www.tma.uz](http://www.tma.uz)) и на Информационно-образовательном портале «Ziynet» ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)).

**Научный руководитель:** **Юлдашев Акрам Юлдашевич**  
доктор медицинских наук, профессор

**Официальные оппоненты:** **Миршарапов Уткур Миршарапович**  
доктор медицинских наук, доцент

**Шатманов Суйналы Токтоназарович**  
доктор медицинских наук, профессор

**Ведущая организация:** **Самаркандский Государственный медицинский институт**

Защита диссертации состоится «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г. в \_\_\_\_\_ часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.30.03 при Ташкентской медицинской академии. Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Зал заседания 4-этажа, 1-го учебного корпуса Ташкентской медицинской академии. Тел./факс: (+99878) 150-78-25; e-mail: [tta2005@mail.ru](mailto:tta2005@mail.ru).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентской медицинской академии (зарегистрирована за № \_\_\_\_). Адрес: 100109, г.Ташкент, ул. Фаробий, дом 2. Ташкентская медицинская академия, 2-учебный корпус «Б» крыло, 1 этаж, 7 кабинет. Тел / факс: (+99878) 150-78-14.

Автореферат диссертации разослан «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.  
(реестр протокола рассылки № \_\_\_\_ от «\_\_» \_\_\_\_\_ 2021 г.)

**Г.И. Шайхова**  
Председатель Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н., профессор

**Д.Ш.Алимухамедов**  
Учёный секретарь Научного совета по присуждению учёных степеней, д.м.н.

**А.Б.Саидов**  
Председатель научного семинара при Научном совете по присуждению учёных степеней, д.м.н.

## ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии)

**Актуальность и значимость темы диссертации.** Одним из наиболее распространенных симптомов почечной патологии в мире является протеинурия. Протеинурия сопровождается такими наиболее распространёнными заболеваниями почек, как острый и хронический диффузный гломерулонефрит, хронический пиелонефрит, поражение почек при системных васкулитах и коллагенозах, нефропатии беременных и др. Кроме этого, в последние годы большое внимание исследователи уделяют «...изучению роли почек в белковом обмене организма в норме и при различных патологических состояниях...»<sup>1</sup>. В связи с этим, несмотря на достигнутые результаты в диагностике протеинурии, изучение механизмов возникновения данного симптома остается одной из актуальных проблем.

Во всем мире проводится ряд целевых научных исследований по изучению деятельности почек по поддержанию белкового гомеостаза и метаболизма белков. В связи с этим, возникает необходимость научных исследований по изучению механизмов возникновения протеинурии при различных клинических формах почечной патологии, связанной с поражением первичных структурно-функциональных единиц почки под влиянием различных этиологических факторов.

В нашей стране достигнуты значительные результаты, проведением широкомасштабных мероприятий по совершенствованию медицинской сферы, в том числе по повышению качества диагностики, лечения и профилактики соматических заболеваний. В соответствии со Стратегией действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы определены важные задачи «...по повышению качества оказания медико-социальной помощи больным, формированию здорового образа жизни среди населения, совершенствованию системы здравоохранения с укреплением материально-технической базы учреждений первичной медицинской помощи...»<sup>2</sup>. Исходя из данных задач, имеет большое научное и практическое значение проводить фундаментальные исследования, направленные на профилактику заболеваний, вызванных нарушениями жирового обмена в желудочно-кишечном тракте и их осложнениями.

